2012 йил 22 август, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 165 (12.226)

Баҳоси эркин нархда

# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

***Британиянинг нуфузли «Экономист» журнали бўлинмаси – Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси рейтингига кўра, Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58-ўринни эгаллади.***

## ТОШКЕНТ ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАҲАРЛАРИ РЕЙТИНГИДАН ЎРИН ОЛДИ

Economist Intelligence Unit бу йили шаҳарлар рейтинги имкон қадар холис бўлиши учун барча чораларни амалга оширди – танловнинг энг яхши мезонлари конкурсини эълон қилди ва BuzzData тадқиқот фирмаси билан ҳамкорликда дунёнинг энг яхши шаҳарларини аниқлаш бўйича такомиллаштирилган комплекс рейтингни ишлаб чиқди.

Бу йилги рейтинг барқарорлик, соғлиқни сақлаш хизматлари, маданий ва атроф-муҳит сифати, таълим даражаси ва инфратузилмаси каби анъанавий кўрсаткичлар билан бирга яшил экинзорлар майдони, ҳавонинг сифати, ҳудудларнинг тавсифлари, табиий дам олиш масканларига яқинлиги, дунё миқёсидаги маданий мерос объектлари, ҳудудий ва халқаро транспорт алоқаларининг мавжудлиги каби мезонлар билан бойитилди.

Ана шу кўрсаткичлар бўйича яшаш учун қулай бўлган дунёнинг 140 та шаҳри ўртасида танлов ўтказилди. 70 та энг яхши шаҳарларнинг якуний рўйхатидан Осиёнинг 30 шаҳри, Европанинг 18 шаҳри, Шимолий ва Жанубий Американинг 18, Африка қитъасининг 3 шаҳри ҳамда Австралия ва Океанияга тегишли бўлган битта шаҳар ўрин олди. Шуниси эътиборга сазоворки, танловда Марказий Осиё ва Кавказ ҳудудидан фақат битта шаҳар – Тошкент иштирок этди.

Ўзбекистон пойтахти дунёнинг ободлик ва яшаш қулайлиги рейтингида 140 шаҳар орасида юқори 58-ўриндан жой олиб, жаҳон таснифидаги яшаш энг қулай бўлган йирик шаҳарлар орасидан муносиб ўрин эгаллади.

Economist Intelligence Unit экспертлари томонидан, айниқса, шаҳар аҳолисининг сифатли таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар кўрсаткичи юқори баҳоланди. Бу мезон бўйича асосан Европа ва Шимолий Америкада жойлашган 36 шаҳар бизнинг пойтахтимизга қараганда юқорироқ ўринни эгаллади, холос.

Дунё рейтингида соғлиқни сақлаш хизматлари сифати ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳам юқори баҳоланиб, ушбу кўрсаткич бўйича Тошкент дунёда 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон пойтахти транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланиши бўйича ҳам дунёнинг энг илғор 50 шаҳри сирасига киритилди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




***Саноқли кунлардан сўнг Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги кенг нишонланади. Мамлакатимизда ободонлаштириш ишлари авж олган бир пайтда ушбу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш мақсадида замонавий иншоотлар, таълим даргоҳлари қуриб битказилмоқда. Ҳар бир соҳа вакиллари байрамни муносиб совғалар билан кутиб олиш тараддудида.***

## БОҒЛАРДА БАЙРАМ НАШИДАСИ





Юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлиб ўтаётган байрам шодиёналарини кўриб, кўзингиз қувнайди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва озод Ватан!» шиори остидаги маърифий-маданий тадбирлар юртдошларимизга байрамона кайфият бахш этмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган бу галги тадбирда умумтаълим мактаблари ўқувчилари, халқ таълими тизими ходимлари, ёш мутахассислар ва фахрийлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларданоқ давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз аҳолисини, айниқса ёшларимизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом, юксак маданиятли инсон бўлиб етишишлари учун катта имконият ва шароитлар яратиб берилмоқда. Мазкур тадбирда Тошкент шаҳридаги таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган ўқувчилар томонидан кўргазмалар ташкил этилди, шаҳардаги «Баркамол авлод» болалар марказлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари томонидан ўқувчиларнинг ўз қўллари билан ясаган ижодий ишлари, миллий чолғу асбоблар меҳмонларга намойиш этилди. Шунингдек, тадбирда Бош бошқарма тасарруфидаги спорт мактаблари ўқувчилари томонидан мустақил Ўзбекистоннинг 21 йиллигига атаб спорт мусобақалари, асфальтга расм чизиш танлови ҳамда бошқа йўналишлардаги кўрик-танловлар ўтказилди.

— Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида, хусусан таълим тизимида амалга оширилган улкан ислоҳотлар ва эришилган ютуқлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, маърифий-маданий тадбир орқали ёш авлод қалби, онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақиллик ҳисси, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш, ёшларни ҳар томонлама билимли, юксак маънавиятли, мустаҳкам иродали, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳеч кимдан кам бўлмаган юксак интеллектуал салоҳият соҳиби этиб тарбиялаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида маърифий-маданий тадбир ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Аваз Мамажонов. — Тадбирда халқ таълими тизими ходимлари, энг тажрибали ижодкор ва ташаббускор таълим муассасалари раҳбарлари ва ўқитувчилари, 1000 нафарга яқин ўқувчилар иштирок этиб, маданий-маънавий ҳордиқ чиқардилар.

*(Давоми 2-бетда)*

***Ўзбекистон давлат консерваториясида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзуидаги анжумани бўлиб ўтди.***

## ФАОЛ ВА ФИДОЙИ ҚИЗЛАР

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур тадбирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши бошқаруви раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом ва мустақил тафаккурли, кенг дунёқарашли авлодни камол топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2000 йилдан буён истеъдодли қизларга Зулфия номидаги Давлат мукофотининг топширилаётгани ана шундай эътибор ифодасидир.

Адабиёт, таълим, фан, санъат, маданият каби йўналишларда мазкур мукофотга лойиқ топилган қизлар ҳозир жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида фаол ва самарали меҳнат қилмоқда. Халқаро олимпиадалар, йирик мусобақалар, бадиий кўргазмалар, адабий жараёнларда фаол иштирок этмоқда.

Ўтган йили ушбу мукофотга лойиқ топилган Малика Ғуломова Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси бўлди. У ёшларнинг билим ва савиясини юксалтириш, уларни турли иллатлардан муҳофазалаш мақсадида Президентимиз асарлари жамланган махсус сайт яратди. Ҳозирда кўзи ожизларнинг компьютер саводхонлигини ошириш бўйича махсус овозли дастур яратиш устида изланиш олиб бораяпти.

– Зулфия мукофоти совриндори деган юксак ном барча қизлар каби мен учун ҳам катта шараф, улкан масъулиятдир, – дейди М.Ғуломова. – Бу масъулият биздан янада фаоллик ва фидойиликни, тинимсиз ишлашни, сингилларимизга ўрнак ва ёрдамчи бўлишни талаб этади.

Анжуманда Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилган қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш, уларни турли лойиҳалар, маърифий-тарбиявий жараёнларга кенг жалб этишга оид режалар белгилаб олинди.

Тадбирда Зулфия мукофоти совриндорлари ижросида концерт намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими томонидан тумандаги «Atlas Invest» қўшма корхонасида Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» мавзусида тадбир ўтказилди.

✓ **«ШЎРТЕПА»** маҳалла гузарида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Тиббиёт академиясининг ҳарбий кафедраси базасида ҳарбий-тиббий факультет иш бошлади. Факультет ҳарбий врачларнинг тайёргарлик даражасини янада ошириш, махсус билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш, янги тиббий технологияларни ўзлаштиришига кўмаклашишга хизмат қилади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига муборак Рамазон ҳайити муносабати билан қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий кутловлар келмоқда.**

**● Жиззах вилояти ҳокимлигида БМТ тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролар иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида Жиззах ва Наманган вилоятларида амалга оширилаётган ҳокимликнинг замонавий ахборот хизмати моделига бағишланган вилоятлараро тақдимот ўтказилди.**

**● Тошкент вилоятининг «Бўстон» сиҳатгоҳида «Келажак овози — 2012» медиаоромгоҳининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Андижонда кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика анъанавий турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган мазкур мусобақада вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан келган 70 нафарга яқин 13-14 ёшли спортчилар ғолиблик учун гиламга тушди.**

**● Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик айёми арафасида Бувайда туманидаги Бувимозор қишлоғида 80 ўринли янги мактаб биноси қад ростлади. «Ҳамид Мунис» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишларига 363 миллион сўм маблағ сарфланди.**

**● Андижон шаҳрида тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Ҳиндистон ҳукумати 2013 йилга бориб Марс сайёрасига фазовий аппарат учириш ниятида эканини маълум қилди. Мамлакат бош вазири Манмохан Сингхнинг сўзларига кўра, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун юз миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кутилмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу фазовий лойиҳани амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад Марс атмосфераси ва кимёвий таркибини тадқиқ қилиш, шу орқали мамлакат ва жаҳон фан ва технологиялар соҳасини янада ривожлантиришдан иборат.**

**● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан «Трувада» номли янги препарат ОИВ/ОИТС хасталигининг олдини олиш хусусиятига эга дори сифатида маъқулланди. «Reuters» ахборот агентлигининг тарқатган маълумотларига қараганда, АҚШнинг «Gilead Sciences» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган препарат таркибидаги тенофовир ва эмтрицитабин каби моддалар мазкур оғир касалликни юқтириш хавфини 73 фоизга камайтиради. «Трувада» АҚШнинг дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилиш бошқармаси томонидан ҳам тавсия этилмоқда.**

**● Япониялик олимлар жазирамада инсон танасини салқин ҳолатда сақлаб турувчи кийим яратдилар. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бундай кийимларга батареяда ишлайдиган тўрт дона кондиционер жойлаштирилган. Мазкур кийим қуёшнинг ультрабинафша нурларини қайтариш хусусиятига ҳам эга. Бундай кийимда 50 даража иссиқликдаги ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам хотиржам юра олиш мумкин.**

**● «Weill Cornell Medical College» мутахассислари чекишга қарши вакцина яратдилар. Энди кашандалар ўзларининг бу ёмон одатидан бир марта эмлаш орқали қутуладилар. Ушбу янги вакцина инсон организмига тушгач, антиген ишлаб чиқара бошлайди. Бу эса мияга никотин сўрилишини 85 фоизга камайтиради. Олимларнинг фикрича, бу дори препарати чекишни ташлашни истаган миллионлаб кишиларга ёрдам беради.**

Анжуманлар

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, саломатликларини яхшилаш, болаларни эмлаш орқали юқумли касалликларнинг олдини олиш, скрининг ва перинатал марказлар тармоғини ривожлантириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш узлуксиз жараёнга айланди.***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида айнан шулар хусусида сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлар инсон манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётгани, бу борада тиббиёт соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган дастур ва лойиҳаларнинг самараси беқиёс эканлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, тиббиёт тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор тажриба ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, сифат жиҳатидан янги, замон талабларига жавоб берадиган бирламчи шифо масканлари, шошилинч тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган замонавий тиббиёт тармоқлари шакллантирилди.

Бу борадаги ишлар тизимини янада кенгайтириш, халқимиз соғлиғини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий-профилактика ёрдамини кучайтириш мақсадида мамлакатимизда туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ҳафталиклари ўтказилмоқда. Касалликларни эрта аниқлаш эса ўз вақтида соғломлаштириш имкониятларини бермоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда оналар ва бир ёшгача бўлган гўдаклар ўлими кескин камайди. Аҳолининг ўртача умр кўриши узайди, санитария-эпидемиология муҳити эса анча яхшиланди.

Жумладан, жорий йилда инвестиция маблағлари доирасида 151 та тиббиёт муассасасининг қурилиши ва реконструкцияси ишларини амалга ошириш учун 256 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Инсонлар соғлиғини яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олиш борасида эришилаётган натижалар 2011 йили юртимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: соғлом она — соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва дунёнинг бошқа нуфузли халқаро ташкилотлари ва элликка яқин давлатлар мутахассислари томонидан юксак баҳоланди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан жавоб олдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

(Давоми. Боши 1-бетда)



# БОҒЛАРДА БАЙРАМ НАШИДАСИ

— Мустақиллик шодиёналари ҳар биримизнинг қалбимизга улкан қувонч бахш этмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Эркин Боқибоев. — Юртимизда кексаларга беқиёс иззат-икром, эъзоз-эҳтиром, меҳр-муҳаббат кўрсатиш ҳаётимизда ажойиб анъанага айланган. Президентимиз томонидан кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик таҳсинга сазовор. Байрам муносабати билан Миллий боғда Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган таълим муассасаларининг кўргазмалари ташкил қилинган. Бу байрам тадбиридан катта таассуротлар олмоқдамиз. Юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги оқибатида бундай байрамлар нишонланмоқда. Ниятим юртимиз тинч бўлсин, барчамизга сиҳат-саломатлик, байрамона кайфият ёр бўлсин.

— Сўлим гўшада бўлиб ўтаётган байрамга биз Бектемир туманидан ташриф буюрдик, — дейди Бектемир тумани «Баркамол авлод» болалар маркази Оммавий тадбирлар ташкилотчиси ва мониторинг мутахассиси Сайёра Шакарова. — Байрам кўтаринки руҳда ўтмоқда. Кўргазмалар боққа ташриф буюрган болаларда ҳам қизиқиш уйғотди. Ёш архитектор ва ёш мусаввир тўгараклари аъзолари томонидан мастер класслар ўтказилди. Бундан ташқари марказимиз болаларининг ижодий намуналаридан иборат кўргазмалар ташкил қилинди. «Дивас» фольклор рақс дастаси ўз чиқишлари билан қатнашди. Ҳозир марказимизга 150 дан ортиқ болалар қатнашиб келишмоқда. Ёзда болаларнинг вақтларини сермазмун ўтказиш учун тўгарак раҳбарлари ва ҳамма ходимларимиз тинмай хизмат қилиб келишмоқда. «Ёш журналист ва нотиқ», «Ёш архитектор», «Фольклор», «Радиотехника» ва бошқа кўплаб тўгаракларимиз бор. Янги-янги тўгараклар ташкил этиш режалаштирилган.

— Фаолиятимизнинг асосий йўналиши спорт билан шуғулланувчиларни оммавий спортга жалб этишдан иборат, — дейди Ҳамза тумани Халқ таълими муассасаларининг фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 9-сонли ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби катта услубчиси Висола Авилова. — Ўқувчиларимизни шахмат-шашка, яккакураш, велоспорт, муайтай спорт турларида катта ютуқларга ошно этиш. Ютуқларимиз ҳам оз эмас. Спорт мактабимизда муайтай ва велоспорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасига 23 нафар спортчиларимиз аъзо. Улар нафақат республикамиз бўйича мусобақаларда, балки жаҳон чемпионатларида юқори ўринларни эгаллаб, медаллар ва дипломлар билан тақдирланишмоқда. Мураббийларимиз керакли билимларга эга, юқори малакали мутахассислардир. Байрамда қатнашишдан асосий мақсадимиз болаларни оммавий спортга жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан иборат. Уларга зарур шарт-шароитларни яратишга катта эътибор қаратмоқдамиз.

— Бугун ушбу тадбирга марказимиз болалари томонидан тайёрланган ижодий ишлар кўргазмаси билан қатнашмоқдамиз, — дейди Олмазор тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими «Баркамол авлод» болалар марказидаги тўқиш тўгараги раҳбари Наргиза Алимжонова. — Кўргазмамизда бисерлардан дарахтлар, юмшоқ ўйинчоқлар, тўқилган кийимлар ва бошқа кўплаб ижод намуналари ўрин олган бўлиб, 10-15 ёшгача бўлган ўқувчиларимиз томонидан тайёрланган. Боққа ташриф буюрган ёшларда марказимизга нисбатан қизиқиш уйғонди. Бундай тадбирлар натижасида бир-биримизнинг ишларимизни кўриш ва танишиш имконига эга бўлдик.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирга ташриф буюрган таниқли санъаткорлар ўқувчи ва педагогларни байрам билан табриклашди. Байрам дастури намойиш этилди.

Тадбир доирасида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан таълим сифатини юқори босқичга кўтаришда ҳамда ёш авлодни ҳар томонлама кучли ва билимли қилиб тарбиялашда ўзининг беминнат хизматларини аямаётган ижодкор, илғор, фахрий ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари ва мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари тақдирланди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

Фармон ва ижро

# СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ: ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

***Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этишни тақозо этади. Шу муносабат билан мустақилликнинг илк кунларидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоялашни кучайтириш ва кенгайтириш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолиятига аралашиш ҳолларига барҳам бериш, ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик, суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.***

Суд тизимини ислоҳ этишдаги муҳим йўналишлардан бири – суд тизими ходимлари ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2012 йилнинг 2 августида қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳам худди шунга йўналтирилган. Фармонда «..., суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган».

Фармонда умумий юрисдикция судлари судьяларининг меҳнат ҳақини ошириш, даромад солиғидан озод этиш, имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари бериш, судлар фаолиятига ахборот-технологияларини жорий этиш, судьяларнинг малакасини ошириш каби масалалар ўз ечимини топган.

Унга кўра, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари; Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори белгиланди.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинди.

Фармонга биноан, судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш, шунингдек, турар-жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутадиган тартибни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Хўжалик суди билан келишган ҳолда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқлаш вазифаси Вазирлар Маҳкамасига юклатилди.

Шу билан бирга фуқаролик судлари тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Унда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва молия вазирлиги билан биргаликда, фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкламасини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқиб, фуқаролик ишлар бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритиши белгиланган.

Маълумки, ҳар қандай ислоҳотнинг самарали кечиши, кадрлар масаласига боғлиқдир. Жамият тараққиёти ўқув юртлари олдига юқори малакали кадрларни тайёрлашдек долзарб масалани қўймоқда. Чуқур билим, кенг дунёқараш, амалий кўникма ва юксак маънавиятга эга бўлган малакали ходимлар амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигининг гаровидир. Шу муносабат билан, қатор мутасадди ташкилотларга «юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритиш вазифаси» топширилди.

Юрист кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаси доимо талаб даражасида бўлишини таъминлаш фундаментал асосга ва мунтазам тизимли кўринишга эга бўлиши лозим. Бунда юридик таълимнинг ҳар бир босқичи ва йўналишлари пухта ўйлаб ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига (ДТТ – малака ошириш тизими учун) асосланган ҳолда амалга оширилиши зарур. Таълим тизими самарадорлигини ошириб боришнинг энг муҳим талаби – ҳуқуқшунослик фани билан юридик амалиёт ўртасида чамбарчас алоқадорликни таъминлашдан иборатдир.

*Таълим жараёнининг амалиёт билан алоқадорлигини* таъминлашнинг турли шаклларидан фойдаланиш лозим, яъни танишув, иш ўрганиш, диплом иши ва магистрлик диссертациясини ёзиш амалиётлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларда жамоатчи ёрдамчи бўлиб ишлаш, юридик клиникаларга жалб этиш ва ҳ.к. Олий ўқув юртларида маърузалар ўқишга Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа юридик муассасаларнинг раҳбар ҳамда етакчи ходимларини фаол жалб этиш нафақат таълимни амалиёт билан боғлашга, балки талабаларнинг ўз касбига қизиқишини юксалтиришга хизмат қилган бўлар эди.

Юридик таълимни амалга оширувчи олий ўқув юртида талабаларни ихтисослаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Масалан, давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ, фуқаролик-хўжалик йўналишлари билан бир қаторда, бозор муносабатлари шаклланаётганидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк, корпоратив бошқарув, кўчмас мулк бозори, биржалар фаолияти каби янги йўналишлар бўйича ихтисослаштириш муҳим.

Юридик таълимни, назарий билим беришни амалиёт билан боғлашда ҳар йиллик ўқув стажировкадан ташқари, талабаларнинг кенг тармоқли юридик клиникаларда фаолият олиб боришини йўлга қўйиш ниҳоятда муҳимдир. Юридик клиникада талабалар тажрибали профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида фуқаролар қабулини ташкил этадилар, ариза-шикоятларни кўриб чиқиш, кам таъминланган фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатишни амалга оширадилар.

Юридик таълимнинг сифати ва самараси профессор-ўқитувчилар, педагоглар малакасининг юқори бўлишига бевосита боғлиқ. Шу боис профессор-ўқитувчилар жамоасининг масъулиятини кучайтириш, уларнинг ўз хизмат фаолиятига муносабатини қатъий мониторинг қилиш тартибини жорий этиш лозим. Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари ва педагог кадрларининг хорижий давлатлардаги тегишли муассасалар ва ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлигини, мақсадли хизмат сафарларини йўлга қўйиш лозим. Тадқиқотчи мутахассисларимиз хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими, қонунчилиги ва юридик амалиётини яқиндан ўрганиб, қиёсий ҳуқуқшунослик усуллари орқали Ватанимиз фани ва таълим тизимини янги марраларга кўтаришга муносиб ҳисса қўшишлари мумкин.

Юқори малакали юрист кадрларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш давр талабидир. Ҳуқуқий давлат асосларини барпо этишда етук ҳуқуқшунос мутахассислар зиммасига катта масъулият юклатилиши табиий. Шубҳасиз, бугун ана шу хайрли ишларга ишончли пойдевор яратилмоқда.

Шундай қилиб, судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган мазкур фармон талабларининг тўла-тўкис татбиқ этилиши суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигининг ошишига, суд ҳокимиятининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Омонулла МУХАММАДЖОНОВ,**
**юридик фанлар доктори**

Қарор ва ижро

# МАҚСАД – ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

***Мамлакатимизда автомобилсозлик саноати жадал ривожланмоқда. Автомобиль сотиб олаётган кишилар сафи кун сайин кенгаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини ошириш, улардан фойдаланиш меъёрларини такомиллаштиришни талаб қилади.***

Автотранспортда йўловчи ва юк ташиш хизматини сифатли ташкил этиш, фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майда қабул қилинган «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори асосида «2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури» тасдиқланган.

Ушбу дастурга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 июлда қабул қилинган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида соҳага доир ягона талаблар белгиланди.

– Ҳар бири ўн-йигирма, ҳатто юзлаб бетдан иборат стандартлар талабларини бажариш автомобиль эгаларига катта қийинчиликлар туғдираётган эди, – дейди Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив техник таъминлаш республика маркази бош директори Шербек Эрбеков. – Янги техник регламентга кўра, мамлакатимизда халқаро ва давлатлараро стандартлар тоифасига кирувчи эллик бешта норматив ҳужжатга риоя этилиш мажбурийлиги бекор қилиниб, ихтиёрийлик мақомига ўтказилди. Бу эса автомобилдан фойдаланувчиларга бир қатор енгилликлар беради. Мазкур қарор 2013 йилнинг бошидан кучга киради.

Регламент қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганидан қатъи назар, барча турдаги автотранспорт воситаларидан фойдаланганда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат мулкини асраб-авайлашни назарда тутади.

Техник регламент асосида тартибга солинадиган объектлар сирасига умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қатнаётган йўловчи, юкларни ташиш ва махсус ишларни бажаришга мўлжалланган транспорт, шатакчи автомобиллар, тиркамалар ва яримтиркамалар киради.

Регламентни ишлаб чиқишда маҳаллий шарт-шароит ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда халқаро тажриба ҳам чуқур ўрганилди. Зеро, дунёда бу соҳада қарашлар турлича. Улар орасида баъзан кутилмаган талаблар ҳам учраб туради. Масалан, 1977 йилда Швецияда автомобиль чироқларини кундузи ҳам ёқиб юриш қоидаси жорий этилган эди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, кундузи чироқ ёқиб автомобиль бошқариш йўл-транспорт ҳодисаларини 5 фоизга, пиёда ва велосипедчилар билан тўқнашувларни эса 12 фоизга камайтирар экан.

Мамлакатимизда қабул қилинган янги регламентда автомобилнинг тормоз ва руль бошқарувига, ёритиш қурилмалари, шина ва ғилдиракларга қўйиладиган талаблар ўз ифодасини топган. Жумладан, автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи уни ишлаб чиқарувчи корхона билан келишмаган ҳолда автотранспорт воситасининг конструкциясига ўзгартириш киритиши, руль ва тормоз бошқарувида ҳамда бошқа таркибий қисмларда кўзда тутилган элементларни олиб ташлаши ёки янгисини ўрнатиши мумкин эмас.

Шунингдек, регламентда автомобиль ойналарининг ёруғлик ўтказишига оид талаблар ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, ойналар 70 фоиз нурни ўтказа олиши керак. Енгил автомобиль шина тишларининг минимал қалинлиги эса 1,6 миллиметр бўлиши лозим. Ғилдиракларнинг тишлари емирилиб, силлиқ бўлиб қолганда уларни алмаштириш шарт. Чунки бундай носоз шиналарда автомобилнинг тормоз олиши қийинлашади ва тўхташи чорак баробарга чўзилади.

Белгиланган тартибга кўра юк машиналари йилда бир марта, йўловчи ташиш транспорти эса ҳар олти ойда техник кўрикдан ўтказилади. Агар транспорт регламент талабларига жавоб бермаса, улардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Айни вақтда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бизнес субъектлари, транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган бошқа ташкилотларни автотранспорт воситалари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган талаблардан хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг веб-сайтига «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламент матни ва уни амалда қўллаш шартларига оид шарҳлар жойлаштирилган. Соҳа вакиллари билан биргаликда техник регламентни амалда қўллаш масалалари бўйича семинарлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилмоқда.

«Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентдан хабардор бўлиш автотранспорт воситаларидан фойдаланишни ҳар томонлама тартибга солиш, юк ва йўловчи ташишда фуқароларнинг ҳаётини турли бахтсиз ҳодисалардан асрашда муҳим аҳамиятга эга.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

Кўргазмалар

# МАҲОРАТИ ВА ИРОДАСИ — ЁШЛАР УЧУН ТАРБИЯ МАКТАБИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси, Камолиддин Беҳзод меъмориал боғ-музейи Ўзбекистон XX аср тасвирий санъати тарихидаги ёрқин сиймо — Чингиз Аҳмаровнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарларидан намуналар қўйилган кўргазма ташкил этди.***

К.Беҳзод мемориал боғ-музей залида уюштирилган кўргазманинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон халқ рассомлари Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова, рассом Содиқ Раҳмонов, санъатшунос Людмила Кодзаева ва бошқалар устоз ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти, рангтасвир санъати ривожига қўшган ҳиссаси, маънавиятимиз хазинасини бойитгани, фидойилиги, инсонийлиги ҳақида фикр юритдилар. Ҳаётий лавҳалар эсга олинди.

Монументалист, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров (1912-1995) Пермь бадиий техникумида, В.Суриков номидаги Москва бадиий институтида таълим олган. XX асрнинг 30-йилларида дастгоҳ рассомлиги ва графика соҳасида асарлар ярата бошлаган. Кўп қиррали ижодкор рассом журналлар учун ҳам расмлар чизган. Театр спектакллари, кинофильмлар, китоблар, амалий санъат буюмлари учун чизгилар ҳамда маҳорат билан замондошлари портретларини яратди. Унинг Шарқ адабиёти, тасвирий санъат йўналишидаги билими, Алишер Навоий номли давлат академик катта театри фойесига Навоий «Хамса»си мавзулари асосида маҳобатли деворий расмларни ишлашида қўл келди. Шарқ мавзуси унинг ижодида янада кенг ўрин ола бошлади. Навоий номидаги Адабиёт музейи, Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Самарқанддаги Улуғбек мемориал музейи, Амалий санъат музейи биноси, Тошкент метрополитенининг «Алишер Навоий» бекатидаги ижод намуналари бунга мисол бўла олади. Устознинг издошлари унинг ўтмиши маданиятимиз, айниқса Алишер Навоий ва унинг маънавий мероси билан боғлиқ маҳобатли деворий расмларни ишлашда алоҳида бир меҳр билан енг шимариб, кўтаринки руҳда ишлаганлигини эслашди.

Устоз ижодкорнинг кўргазмага қўйилган 60 га яқин ижод намуналарида хотин-қизлар портретига чизгилар, ўлкамиз тарихида ўтган буюк алломалар, маданиятимиз арбоблари — замондошлари портретлари акс этган.

Устознинг ҳаёти ва фаолияти, асарлари юзасидан Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жавлон Умарбеков қуйидагиларни сўзлаб берди: «Устоз ёш рассомлар ишини, фаолиятини кузатар, уларга бефарқ эмас эди. Менинг ишимни ҳам кузатиб, руҳлантириб турган. Ўзига ҳам талабчан эди. Агар бир мавзу бўйича асари якунланаётган бўлса ҳам, оригинал янги фикрлар келиб қолса, эринмасдан яна бошқатдан чизишларидан биз ҳайратланар эдик. Ч.Аҳмаров собитқадам, иродали бўлиб, унда инсонни олға бошлайдиган куч бор эди. Унинг билими, маҳорати, иродаси биз учун тарбия мактаби эди».

Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошев бизга берган интервьюсида шундай деди: «Чингиз аканинг ижод йўли кенг бўлган. Ижодда мавзуга кўп эътибор берган. Тарихий шаҳарларнинг меъморий ёдгорликлари, миллий маданиятимиз акс этган асарлари ўзининг нурли ранглари билан кишини ўзига тортади. Асарлари нафақат чизги ва ранглари билан, фикр ва мазмунининг чуқурлиги, кенглиги билан ҳам ажралиб туради.

Шуни айтиш керакки, Чингиз Аҳмаровнинг ҳаёти ва фаолияти, асарлари, унинг издошларининг асарлари ёш рассомлар ва санъат ихлосмандлари учун маънавиятимиз илдизларини, юртимиз тарихининг мазмун-моҳиятини тушуниш ва уни чуқур ҳис қилишда, ўзлигимизни, ҳаёт ҳақиқатини англаш борасида ҳам бебаҳо имкониятдир.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**



***Миробод туманида маҳалла тизимида фаолият юритиб келаётган маҳалла фаолларининг касб байрамига айланган анъанавий «Маҳалла куни» тадбири бўлиб ўтди.***

Маҳалла

# ЭНГ НАМУНАЛИ ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ушбу тадбир давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган «Мустаҳкам оила йили»да фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, маҳаллаларда истиқомат қилиб келаётган аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ҳамда маҳалла ҳаётининг турли соҳаларини қамраб олган ҳолда уларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

«Маҳалла куни» тадбири доирасида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўрик-танловининг Миробод тумани бўйича ғолиблари аниқланди. Кўрик-танловда «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» (1-ўрин «Қорасув» маҳалласи), «Энг намунали фуқаролар йиғинининг раиси» (1-ўрин «Янги Қўйлиқ» маҳалласи оқсоқоли Т.Абдуллаева), «Энг намунали фуқаролар йиғини масъул котиби» (1-ўрин «Парвона» маҳалласидан М.Пўлатова), «Энг намунали «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари» (1-ўрин «Олмазор» маҳалласидан И.Ҳамидов), «Энг яхши фаолият юритиб келаётган фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» (1-ўрин «Дўстлик» маҳалласидан М.Атабоева), «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» (1-ўрин «Оқ уй» маҳалласи) номинациялари бўйича юқорида таъкидлаб ўтилган фаоллар ва маҳаллалар ғолиб деб топилиб, ташкилотчилар — туман хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Даврон ИСМАТОВ**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Энг азиз, энг улуғ байрам арафасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўтаринки кайфият бағишлаш, уларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида жойларда турли-туман тадбирлар ўтказиб келинмоқда.***

Танловлар

# ЁШ ИҚТИДОРЛАР КУЧ СИНАШДИ

Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлимлари, туман Ногиронлар жамияти ҳамда Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ҳамкорлигида «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида «Ватан туйғусини қалбингга жо қил!» мавзусида расм чизиш кўрик-танлови ўтказилди. «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар маркази қошидаги япон боғида ташкил этилган кўрик-танловда Маданият ва спорт ишлари туман бўлимига қарашли Ҳамид Олимжон, Мукаррама Турғунбоева, Абдулла Қодирий номидаги, «Дўстлик» номли маданият уйлари қатнашчилари, туманда истиқомат қилувчи 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган 50 га яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ногирон болалар иштирок этдилар.

Тадбир бугунги жадал ривожланаётган даврда ёшларнинг эзгу ғояларини, интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигини муносиб равишда кутиб олиш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида она Ватанга бўлган садоқат туйғусини янада кучайтиришга қаратилди.

Шунингдек, тадбир давомида ўз яқинларини қўллаб-қувватлаш мақсадида келган меҳмонлар, жажжи болажонлар учун Ўзбекистон тарихи Давлат музейида қўғирчоқ театри томошалари намойиш этилди.

Кўрик-танлов ғолиблари Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳамда Қизил Ярим Ой жамияти туман ташкилоти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар ва тадбирда фаол қатнашган болажонларга рағбатлантирувчи совғалар топширилди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

«101»

# ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

***Инсоният қадимдан олов билан ҳамнафас яшаб, ундан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланиб келган. Айни кезда ҳам оловдан турмушда ва иш жабҳасида оқилона фойдаланиш эвазига инсон ҳаёти фаровонлашиб бормоқда.***

Бироқ оловдан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидалари бор. Уларга тўғри амал қилинсагина ҳаётимиз бехавотир, тинч, осуда ва чиройли кечади.

Кундалик турмушимизда ўзи оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор. Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доимо ҳушёр бўлишни талаб этади. Оддий бир мисол: болаларнинг гугурт, олов билан ўйнашлари оқибатида ёнғин келиб чиқиши мумкин. Қаранг, озгина эътиборсизлик катта офатга сабабчи бўлади. Аслида боласининг ҳаракатини доимо назорат қилиш ҳар бир эътиборли аёлнинг одатдаги ишидир. Қолаверса, ҳар бир уй соҳиби ва соҳибаси рўзғор юмушларини бажаришда электр асбобларининг фақат созларидан тўғри фойдаланишга одатланиши лозим. Бунинг учун озгина қунт қилинса кифоя — уйингиз ҳам, кўнглингиз ҳам тинч бўлади. Электр асбоб-анжомларидан фойдаланиб бўлгандан сўнг, уларни электр тармоғидан узишни асло унутмаслик керак. Уйдан чиқа туриб газ асбобларини ва электр чироқларини албатта ўчириш лозим. Хонада газ чиқаётган ҳиди сезилса, чироқ ва бошқа электр асбобларини, учқун берувчи воситаларни ёқиш мумкин эмас. Электр асбобларининг ортиқча қизиб кетиши ҳоллари ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади. Хоналарда электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир нечта ток қабул қилувчи воситаларни улаш жуда хавфли. Бу усулни қўлламаслик керак. Ошхонада қозондаги ёғни доғ қилаётганда назоратсиз иситгич асбобларини, дазмол ва плиталарни қаровсиз қолдирманг! Уларни фақат ёнмайдиган материаллардан бўлган махсус тагликка қўйиш лозим. Ёқилган телевизор ҳам назоратсиз қолмасин. Асло ностандарт электр иситгичлардан фойдаланманг! Ёниб турган газ плитаси устида кир қуритиш, бензинда кир ювиш ҳолатлари кучли ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Табиий газни резина шланглар орқали улаш хавфли. Айниқса, тунда газни ёниқ қолдириш ярамайди. Чунки тунда газ босими ортиб бахтсиз ҳодиса содир этилиши мумкин.

Азиз ҳамшаҳарлар, оловга нисбатан жиддий муносабатда бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидалари, меъёр талабларига тўла ва аниқ амал қилсак, ҳеч қачон хавф-хатарга йўлиқмаймиз.

**Сарсенбай КАРИМБАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ**
**28-ХЁХҚ смена бошлиғи, майор**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Кўп ўйлаган оз адашар.**

* * *

**Кимнинг тилини тушунмайсан, кимнинг дилини.**

* * *

**Мол жондан азиз туюлади.**

* * *

**Ўзинг интилиб эришганингга етмайди.**

* * *

**Ҳар қандай ишни ҳам то бошлаб олгунча.**

* * *

**Бизни қутқарса ҳақиқат қутқаради, ёлғон эмас.**

* * *

**Ноҳақлик қурбони бўлишдан ёмони йўқ.**

* * *

**Истеъдодда бахту фожиа омухта бўлиб кетган бўлади.**

* * *

**Норозиликни намоён қилиш йўллари кўп.**

* * *

**Ўзи қўрқоқ бошқага қандай таскин берсин.**

* * *

**Гуноҳ қилишга йўл қўйиб бериб, кейин жазолаш бориб турган муттаҳамлик. Мард бўлсанг, гуноҳдан қайтар.**

* * *

**Хотиржам бўлмасанг, нима иш қилганингни билмайсан.**

* * *

**Ҳамма нарсани биладиганлар кўпинча керакли нарсани билишмайди.**

* * *

**Аламзадалик билан айтилган фикрни холис фикрдан фарқлаш керак.**

* * *

**Ҳикмат бўлмаган нарса иллатдир.**

* * *

**Бемаъни характер кишини бадбахт қилади.**

* * *

**Инсон юздан тўқсон тўққиз ҳолатда ўз тақдири учун ўзи айбдор бўлади.**

* * *

**Йиғи-сиғи билан муаммо ҳал бўлмайди.**

* * *

**Умрини узайтириш ҳам, қисқартириш ҳам инсоннинг ўз қўлида.**

* * *

**Ҳаёт тарозисининг тирикчилик палласи ҳамиша босиб тушган.**

* * *

**Номард тузингни ичади-ю ғийбатингни қилиб кетади.**

* * *

**Одам боласи аслида ўзини ўзи қийнаб яшайди.**

* * *

**Эътиборсизлик кўнгил совушига сабаб бўлади.**

* * *

**Ҳар ким тушунчасига кўра яшаб ўтади.**

* * *

**Қадрингни ўзинг билмайсану ўзгадан нима гина.**

**(Давоми бор)**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **23 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 37-39 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **23 августда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тагмиқдори паст бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежи таълим муассасаси буфетини ижарага бериш юзасидан

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта давомида қабул қилинади.

Телефонлар: 257-57-29, 257-77-96

Манзил: Сергели тумани, Дўстлик 2-мавзеси, 4-уй.

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 841
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4970 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5